

Муқаддас ХОЛИҚОВА,  
Ўзбекистон халқ артисти:

**МЕҲР БЕРГАН,  
МЕҲР КЎРАДИ**



**ЗАМОНАВИЙ  
ЎЙИНЧОҚ**

ёхуд болалар автомашинаси  
ва мотоцикллари хусусида



**КИЙИМДАГИ  
ЎЗУВ  
МАЪНОСИНИ  
БИЛАСИЗМИ?**

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ  
сурат-лавҳаси.

**Фарзандлар соғломлиги қалбимизга  
қувонч ва ҳаловат бағишлайди**

### УШБУ СОНДА:

Келин сандиғида яширинган бойлик .....	2
Зулфиячи қизлар анжумани .....	2
Жиззахда яна бир «офтоб» бор .....	3
Учар автомобиль кашф этилди!.....	7
Алимент миқдори қай ҳолатда камайтиради? .....	8

### ҲИКМАТ

Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юрганларнигина билимдон дейиш мумкин.

**ФОРОБИЙ**

# САНДИҚҚА ЯШИРИНГАН СИР

Райхон бўйли қизининг қадамларида ўсмирлик назокати сезила бошлаган она борки, яхши кунлар тадоригига шайланади. Ширин орзуларини матоларнинг сарасига ўраб, сандигининг бир четиға тахлаб қўяди. Бобою бувилар ҳам қақажон неварасининг тўйини кўришни ният қилиб, дуоға қўл очади... Тўйлардаги гўзал қадриятларимиз — бетакрор урф-одатларимиз билан боғлиқ борди-келдилару, олди-бердилардан хикмат излаймиз. Аммо кейинги йилларда орзу-ҳаваслар уммонига шўнғиб, қадриятларимизга соя солиб қўяётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Баъзида фарзандларимизнинг яхши кунларига деб йиққанларимиз кўнглисизликларга сабаб бўлаётганига нима дейсиз?

— Яқинда ишга кетаётган, бекатда курсдош дугонамни учратиб қолдим, — дейди ҳамкасбим. — Турмушга чиққанидан буён кўришмагандик, микиби суҳбатлашдик. Фарзанд кутаётган экан. Оппоқ юзларига оналикнинг илк белгилари жудаям ярашибди. Куюнчаллик билан, анча оғирлашиб қолибсан, нега бу аҳволда бекатма-бекат автобус кутиб юрибсан, десаам, хушчақчақ дугонам бирдан маънос тортиб қолди. Маълум бўлишича, судга ажрашиш учун ариза ёзиб келаётган экан. Тўйдан бир ой ўтар-ўтмас, қайнонаси: “Онангиз яққаю ёлғиз қизимизга тўй совғаси қилиб уй олиб берамиз, деганди, энди вадасини бажарсин. Ўғлим икковингизга шаҳардан ҳеч бўлмаса бир хонали уй олиб беришса, ижарама-ижара сарсон бўлиб юрмасдинглар. Ўзингиз биласиз, эрингиз билан қайнукангизни шартнома билан институтда ўқитялмиз. Шундоғам, тўйга, сизнинг сарпо-сурук, тиллаларингизга анча харажат қилдик”, дея холи жонига қўймабди. Ниҳоят, дугонам онасига ёрилибди. Ниолож қолган она бечора муроса йўлини излаб, “Майли, кудағай, келаси йил ёрдам берармиз, бироз сабр қилинг”, дебди. Аммо қайнонаси оёк тираб олибди. Дилдаги пинҳона ачиқ сўзлар тилга қўчиб, жанжал катталашибди. “Қачон отанонаниг уй олиб берса, шунда бу ҳовлига қадам босасиз”, деб дугонамни ҳайдаб солибди. Куёв эса онам нима қарорга келсалар, мен ҳам шунга қўшиламан, қабилади фикр айтиб, ўзини четга тортибди. Маҳалла-қўйнинг аралашувиға ҳам қулоқ солишмабди, бир олам орзулар билан келинлик остонасига қадам қўйган дугонам ярим йилда қизлик уйига қайтиб келибди.

Ҳеч ким бахтдан қуймасин экан. Унга қандай тасалли беришни билмабди. “Пешонанға ёзилгани шу экан, қўй, сиқилма, туғилажак болангни ўйла”, дея олдим холос. Унинг кўзларида милтилаган ёш, юзидаги изтироб ифодаси ҳалиям хаёлимдан

кетмапти. “Қизимни келин қилсангиз, фалон нарса олиб берман”, дея ваъда бериб, тўйдан олдин баҳолашиш қадриятларимизга муносиб ишми?! Нахот, икки инсоннинг оилавий бахти, ҳали туғилмай тирик етимга айланган боланинг тақдирдан жонсиз тўрт девор ёки бошқа сарпо-сурук, буюмлар устун бўлса?..

— Умр йўлдошим Рашид Собиров билан тўрт ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказдик, уйилжойли қилдик, — дея биз билан ўз ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашади ХХХ ёзги Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собировнинг онаси Гул-



нора опа. — Қизим Дилнорани узатаётганимизда унга, сен учун қиладиган энг қимматбаҳо сепимиз — қўлингиздаги дипломинг ва одобинг, улар ҳеч қачон модалардан қолмайди, синиб, зангламайди, дегандим. Ўғилларимизни уйлантираётганда эса қудаларимиз билан келишиб, янги оила учун керакли энг зарур анжонларини харид қилдик. Тўғри, намунча қурумсоқсиз, орзу-ҳавасингиз йўқми, дегувчилар ҳам бўлди. Кейинчалик, болаларимиз ўзлари меҳнат қилиб, рўзгор учун қилинадиган ҳар бир харажат фарзандларимизни оилани севишга, уни хурматлашга, сабрга ўргатди. Шукрки, бугун энг гўзал орзу-ҳавасимиз — нуридийдаларимизнинг тинч-тотув ҳаётини кўриб, қувониб ўтирибмиз.

— Халқимиз орасида “Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр”, деган коса тағида ним коса қабилидаги мақол бор, — дейди Ромитан туман “Боғитуркон” кишлоқ фуқаролар йиғини бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Шаҳзода Ҳайдарова. — Дарҳақиқат, хонадонни яшатиб, ёр-ёрлар билан келган келин ва сизга куда тутиган янги оиланинг дунёқараши, зиёли эканлиги ёхуд молдунёга ўчилигини унинг сарполарига қараб дарров англаб олиш мумкин. Кузни тўй билан бошла маҳалладошимизникига куни кеча қўшни аёллар билан “келин кўрди”га чиққандик. Тўғриси, келинчакнинг ҳусни ва одобидан

кўзларимиз қувнаган бўлса, меҳмонхонада доим бўш турувчи жавонга зеб берган китобларни кўриб диллимиз яйради. Бизгаям шундай ақлу заковатли келинлар насиб қилсин, деган ниятни кўнглимизга тўғдик. Ҳозир, бу қизимизни (биз учун келинмас, қиздай қадрдонга айланган) маҳалладошлар бирдай яхши кўра-миз.

— Талабалик пайтимизда устозимиз Омонулла Мадаев ҳар гал келинларга қилинган бир сандик қимматбаҳо матодан кўра “Алпомиш”, “Ўткан кунлар” ёки “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” каби китоблар қиймати тенгсиз сарпо бўла олади, қизларим, китобга тўла сандиқ қилан янги хонадонга бориш аънасини сизлар бошлаб беринг, дердилар, — дея мавзуга оид фикрларини биз билан ўртоқлашади Дилдора Давлатёрова. — Менга дастлаб эриш туялган мазкур насихатнинг бугун нечоғлик ҳаётий эканлигини англаяпман. Тўғри, фарзанд ўстираётган ҳар бир отанонанинг, янги оила остонасида турган ёшларнинг ўз орзу-нияти бор. Тилла тақинчоқлар, турфа хил кийимлар, замонавий жиҳозлар билан безатилган уй кимга ёқмайди, дейсиз. Бироқ, осонликча ҳамма нарсага эга бўлаётган икки ёш оилавий тотувликнинг қадрига етиб, чин маънодаги рўзгорнинг икки устунига айланиши қийин кечади. Янги қурилган оилалар орасида ажримларнинг учраётганига ҳам ёшлардаги ана шу боқимандалик ҳисси сабаб бўляпти, назаримда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида яшовчи, ўзини замонавий инсон деб атайдиган бир киши ҳисоб рақамидаги пулларни қандай йўллар билан кўпайтириш ҳақида ўйлаб, туналар ухлолмай юрган маҳал, ҳалол меҳнати эвазига йиққанларига ўғил уйлантириш ниятидаги бир юртдошимиз шукронани тилидан қўймай мўъжазгина уйда ширин уйкуға кетади. Жаҳон кино санъатининг икки мегаюлдузи қарийб ўн йил бирага яшаб, 5 нафар фарзандли бўлгач, 20 та яқин қариндошини чақириб, пинҳона никоҳдан ўтаётган паллада, етти маҳаллага етгудек қарнай-сурнай садолари остида юзлаб қадрдонни даврасида тўй қиладиган одамолар халқимиз. Оилани муқаддас кўрган санаб, уни турли келишмовчилик ва жанжаллардан асраша, аёлни, онани эъзозлаш бизга азалий аънанадир. Мустақиллик шарофати билан қаддимиз, уйимиз, ўйимиз баланд бўлди. Оила бахти учун зигирча аҳамияти бўлмаган сепу сарполар сабаб пароканда бўлаётган баъзи бир рўзгорлар ёруғ кунларимизга шукрона қилмаслик, аниқроғи, тўқликка шўхликдан ўзга нарса эмас.

**Маърифат  
АБДУҲАМИДОВА,  
журналист.  
Бухоро вилояти.**

# ИСТЕЪДОДЛИ ҚИЗЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон Давлат консерваториясида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларнинг республика анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳар йили аънавий тарзда Ўтказиб келинаётган мазкур анжуман бу йил Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, “Тасвирий ойна” ҳамда Ёзувчилар уюшмалари, Бадий академия, “Оила” илмий-амалий маркази, Миллий телерадиокомпания, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ва қатор нашриётлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, адабиёт ва санъатимизнинг таниқли намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ёшлар қатнашди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, айниқса, қизларнинг касб-хунар эгаллашлари, ҳаётда ўз ўрнини топишлари ва иқтидорини рўёбга чиқаришлариға қўмаклашиш, санолатлигини мустаҳкамлаш борасида алоҳида ғам-хўрликлар кўрсатилмоқда. Президентимизнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган “Зулфия номидаги Давлат мукофоти” таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ эти-



лиши натижасида истеъдодли қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айни пайтда адабиёт, маданият, санъат, илм-фан ва спортдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги учун 212 нафар истеъдодли қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотиға сазовор бўлган уларнинг камолоти йўлида кўрсатилётган чексиз эътиборнинг яққол ифодасидир. Баркамол авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида бугунги кунда ёшларимиз ўз иқтидорларини нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам кенг намоеён этишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда совриндорлар иштирокида бадий-мусликий дастурлар намойиш этилди. Зулфия номидаги Давлат мукофотиға адабиёт йўналишида сазовор бўлган саккиз нафар қизнинг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси саъй-ҳаракати ва “Шарқ”, “Ўзбекистон”, Фафур Фулом номидаги нашриётларнинг қўллаб-қувватлаши асосида нашр этилган тўпламлари тақдими токечага ўзгача фойз киритди.

Анжуманда Зулфиячи қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини таълим масканлари, маҳаллаларда кенг тарғиб этиш, улғайиб келаётган авлод онгу шуурини турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, қизларнинг Ватан, жамият олдидаги масъулиятини кучайтиришда бундай иқтидорли ёшларнинг имконияти ва салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар театрида намойиш этилган Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг “Хотирам синиклари” достони асосида яратилган спектакль анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА,  
“Оила ва жамият” мухбири.**

**Жиззах шахридаги "Олмазор" маҳалласи идораси жойлашган ҳовлига дид билан гуллар экилган. Райхон ифори димогимизга урилади.**

— Бу ер оддий ишхона эмас, маҳалламизнинг юраги, — дейди элдошлари дуосини олаётган тиниб-тинчимас маслаҳатчи Офтобой опа Нишонова бизни очик чехра билан кутиб олarkan. — Маҳалламиз раиси Норбуви Шамсиева бошчилигида ҳар куни эрта тонгдан 18 та кўчамизнинг фаоллари шу ерга йиғилишади. Ўзаро маслаҳатлашамиз, қайси кўчада, кимнинг хонадониди қандай янгилик борлигини аниқлаб оламиз. Ҳамжихатликда режаларимизни белгилаб, ишга киришамиз. Маҳалламизнинг файли, обод гўшалардан бирига айланиб бораётганида отахон ва онахонларимиз, фаолларимизнинг хизматлари бекиёс. Умумжамоа ишларида, шанбалик ва ҳашарларимизда уй бекаларининг ҳаммаси ёрдамга чоғланишади.

Тўй-тўйчиқлар, маъракалар, бошига ташвиш тушганларга кўмак беришдек хайрли ишларда кексаю ёшнинг тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликда иш олиб бориши яққолроқ кўзга ташланади. "Олмазор"ликларнинг ҳатто келинлари, қизлари ҳам бир-бири билан опа-сингиллари, дугоналардек иноқлигига кўпчилиكنинг ҳаваси келади. Бу борада ҳам маҳаллада ўзига хос иш услуби мавжуд экан.

— Оилалар мустаҳкамлигини сақлашда келинчаклар билан ҳам алоҳида иш олиб борамиз. Бошқа маҳалладан келин бўлиб тушган қизнинг янги оилага кўникиб кетишида мана шу ерлик қадрдонларнинг мадади, дўстона муносабати жуда муҳим. Келин-қизлар билан гаплашётганимда онам Ҳикматой аянинг: "Уйингда нозу неъматларинг бисёр бўлсаю, аччиқ таъмли пиёзинг бўлмаса, овқатингнинг мазаси бўзлади. Турмуш ҳам аччиқ-чучук кунлар билан файзлида", деган гаплари қулогим остида жаранглаб туради. Ана шу гапнинг маъзани чакинлар, дейман ёшларга. Бундай панд-насихатлар замирида оилани мустаҳкамлашга, хонадонлар-

да соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштиришга чорлов бор.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг иш фаолияти билан танишарканмиз, стол устига қатор қилиб терилган папкалардаги "Энг намунали қайноналар", "Ибратли қайноналар", "Ўжар қайноналар", деган ёзувлар эътиборимизни тортади. "Энг намунали қайноналар" 44 нафар экан-да, дея саволга оғиз жуфтлайман.

— Буларни кўриб хайрон бўляпсиз-а, — дейди Офтобой опа. — Бу ҳам маҳалламизда жорий этилган ўзига хос тажриба. Эл-юрт корига

горлик ва этиқдўзлик устахоналарида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга маҳалланинг бир қатор ёшлари иш билан таъминланган. Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналари арафасида маҳалла ҳудудида иш бошлаган "Шукрона" тўйхонасида 50 нафар янги иш ўрни яратилди. Маҳалла онахонларидан бири Тансиқой опа Бобоқулова қизлари, келинлари билан турли пишириклар пиширишни йўлга қўйган. Келинчаклар учун кўрпа-тўшаклар қавишининг ҳадисини олган 65 ёшли Субҳи опа Каримова ҳам келинлари,

Пластекс" қўшма корхонасининг мазкур маҳалла ҳудудида жойлашган тўйфайли, аксарият аҳоли шу ерда меҳнат қилади. Бундан ташқари 2 та тикувчилик цехи, 4 та хусусий дўкон ҳам ишлаб турибди.

— Муҳтарам Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этилганидан буён шу лавозимда ишлаб келаяпман, — дейди у. — Бугунги кунда оилаларимиз фаровонлиги, маҳалларимиз ободлиги йўлида меҳнат қилишимиз учун барча шароитлар муҳайё. Маслаҳатчи лавозимда хизмат қилаётган ҳамкасбларимизнинг меҳнати қадрланмоқда.

Икки ўғил, икки қизнинг онаси, саккиз неваранинг сеvimли бувиҳониси бўлган Офтобой опа Нишонова, мана ўн йилдирки, одамлар қалбига йўл топиб, "Олмазор"нинг фаровонлиги йўлида фидокорона хизмат қилиб келмоқда.

— Маслаҳатчи дегани маҳалланинг сир сандиги бўларкан. Унинг хонасида айтилган оилавий гаплар ташқарига чиқмаслиги керак. Шундагина одамлар унга ишонч билдиради, — дейди Офтобой опа. — Кимнингдир юрагида кичкина бўлса ҳам дарди борми, демак уйда бир муаммо юзага келмоқда. Унинг олдини олишда биз маҳалла фаолларига суянамиз. Посбонимиз Жўра Худойқулов, котибамиз Шоира Абдуҷабборова, фаолларимиздан Бодомхон ая Тиллабоева, Сайёра Мейлиева, Иқбол Абдуҷабборова, Зулфия Хотамова, Кумри Муродова, Махфират Бердиева, Эркин Эрматов, Аҳмад Ортиқов, Фулом Қамбаров, Шухрат Тожибоев, Ортиқназар Хидиров ва маҳалламиз ахлининг ўзаро ҳамжихатлиги туфайли бугун "Олмазор"нинг қиёфаси янгиланмоқда. Маҳалламиз янада обод бўлиб, файзга тўлиб бормоқда.

**Хамрохон МУСУРМОҶОВА,**  
**"Оила ва жамият" мухбири.**  
**Жиззах вилояти.**

## "ОЛМАЗОР"НИНГ "ОФТОБИ"

камарбаста аёлларимиз, меҳнат фахрийларимиз, оиладаги гапни ташқарига чиқармай келинни тўғри йўлга сола олган, керак пайтда ёшларнинг айбини ёпиб бўлса ҳам боласининг уйида тинч-тотувликни таъминлаган онахонларимиз "Энг намунали қайноналар"имиз сафидан жой олишган. Аммо беш қўл баробар эмас-да, ҳозир бор-йўғи беш нафар ўжар қайнонамиз қолди холос.

Айни пайтда 6785 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган "Олмазор" маҳалласида аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда фаолият юритаётган битта телерадио устахона, 3 та қандолатчилик, 8 та озиқ-овқат дўкони, 4 та сартарошхона, 3 та чойхона, 6 та новвойхона, 2 та қассобхона, дурад-



Суратда: маслаҳатчи Офтоб Нишонова (ўртада) маҳалла фаоллари орасида.

невара қизларига ўз хунарини ўргатиб, шу иш орқасидан оиласига фаровонлик олиб кирмоқда. Максуда Ўролованинг етиштирган гуллари нафақат маҳаллада, балки Жиззах шахрида ҳам доврўг қозонган. "Жиззах

## БИР ТУП НИҲОЛ САБОҒИ

Орамиздаги одамлар

Сотволди ака Ҳайитовни чортоқликлар уста пахтакор, моҳир фермер сифатида яхши танишади. Ерга сидқидилдан меҳр қўйган, ён-атрофдагиларга эътиборли ва ғамхўр, фидойи бу инсонинг барча хурмат қилади, унга ибрат назари билан қарайди. "Шухрат Баҳром Козим" фермер хўжалигининг дала шийпонига кираверишида ёши бир асрга тенг азамат чинор шовуллаб ҳаммаёққа соясалқин бериб турибди. Шакароб қилиб сув сепилган, ердан таралаётган таниш тупроқ хиди ёқимли. Тушлик тарафда чойхоначи йигит самоварга олов қалаб, у-бу юмушларга чопади. Нарироқда эса беш-олти одам пахта даласидан шийпон томонга келишмоқда.

Улар етиб келган, саломалиқдан сўнг Сотволди ака сўз бошлади.

— Ҳозир йил давомида қилган ишларимиз юзага чиқадиган кунлар. Фермер хўжалигимизни 2007 йилда ташкил этганмиз. Бу йил 86 гектарлик ер майдонининг 46

гектарига галла эккан эдик. Насиба улуг деганларидек, режани ортиги билан адо этдик, ўзимизга ҳам анча-мунча дон қолди. Қишлоқдошларимиз меҳнаткаш инсонлар. Айни вақтда хўжалигимизда 50 нафардан ортиқ ишчи ишляпти, шу боис барча юмушларни бемалол уддалаймиз.

Бу йил 34 гектарга гўзанин "Султон" навини экканмиз. Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилгани боис, кўз тегма-

син, ҳосилнинг чўғи баландлиги кўриниб турибди.

Фермер хўжалигимиз кулай жойда, бир томонидан Катта Фарғона канали ўтган бўлса, қолган томонлари Уйчи, Учқўрғон туманларига туташ. Майдонларимиз ёқасидан катта темир йўл ўтган. Бундоқ қарасангиз, хўжалигимиз майдони белбоғ вазифасини ўтайдигандай таассурот уйғотади. Сухбатдошимиз дастурхонга келтирилган нозу неъматларга таъ-

риф бераркан, тегирмон унidan тайёрланган нон, қовунтарвузлар, хуллас, бари ўзлари етиштирган махсулотлар эканини айтиб қувонади.

— Ҳозирда фарзандларим кўш қанотим бўлиб қолишди. Катта ўғлим Шухратхон агроном, у галла, пахта, пилла етиштириш борасида қилинаётган ишларни назорат қилиб боради. Унинг саъй-ҳаракати билан ҳар йили пилладан юқори ҳосил олаяпмиз. Ўртанчамиз Баҳромжон иш бошқарувчи, ҳамма агротехника ишларини амалга оширади. Ўғлим Козимжон ҳарбий соҳа бўйича ўқиб-изланашига қизиқди, ҳозирда офицер, сарҳадларимизни кўриқлашда хизмат қилаётганидан беҳад мамнунмиз. Иккала қизим ўз оиласида фарзандларини тарбиялаб, бахтиёр яшашаяпти. Шукрки, умр йўлдошим Маъсудахон билан невараларнинг бобо-бувиси бўлиб, меҳнатдан толмай умргузаронлик қилаяпмиз.

Сотволди ака Ҳайитовнинг фикрича, фарзандларни болалигидан меҳнаткаш,

ўқимишли қилиб тарбиялаш ҳам деҳқончиликдек гап экан. Меваси тотли бўлиши учун тўғри парваришлаш шу қадок қўлларнинг, теран фикрларнинг маҳсули экан. У ўзининг салкам қирқ йиллик турмушида ҳаёт йўллари-нинг паст-баландлигини ўтиб, шу кунларга етиб келганини таъкидларкан, оилавий ҳаётда айрим ёшлар бир оз саёз фикрлашдан куйинди. Дунёқраши кенг, теран фикрлари билан дилкаш суҳбатлашган бу инсоннинг келтирган ҳар бир ҳаётий мисоли дала майдонида ўсаётган гиёҳга ўринли қиёс берилгани эътиборимизни тортди. Сотволди ака таъбири билан айтганда, фарзандлар қай олий ўқув юртида ўқимасин, қай бир касбда ишласа ҳам бир туپ қўчат экиб, томорқага қараб, хонадонидидаги ана шу деҳқончиликдан фикр маъзани чиқармоғи ва рияоз этмоғи лозим.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
**"Оила ва жамият"**  
**мухбири.**  
**Наманган вилояти.**



Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Муқаддас Холикова Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналари арафасида Президентимиз Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” деган юксак унвон билан тақдирланди. Сахнада, кино ва миллий телесериалларда бир қатор бетакрор роллар ижро этиб мухлислар меҳрини қозонган санъаткор Муқаддас Холикова билан театр санъатининг бугунги қуни, оила, оналик ва аёллик бахти мавзусида суҳбатлашдик.

Муқаддас **ХОЛИКОВА**,  
Ўзбекистон халқ артисти:

## МЕҲР БЕРГАН, МЕҲР КЎРАДИ

— Муқаддас опа, энг аввало, юксак эътироф билан муборакбод этамиз. 2002 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлган эдингиз. Ўтган ўн икки йиллик ижодингизни сарҳисоб қилганингизда кўнглингиздан қандай ўй-ҳаяжон, фикр-мулоҳазалар кечади?

— Бу давр мобайнида юртимизда театр ва кино санъатини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Биз фаолият юритаётган даргоҳ “Ўзбек Миллий академик драма театри” мақомини олди. Ижод қилишимиз, ишлашимиз, янги-янги асарлар яратишимиз учун жуда кенг имкониятлар яратилди. Камтарин ижодий меҳнатимиз давлатимиз томонидан юксак эътироф этилмоқда. Натижада бир-бирдан ажойиб, юксак савиядаги спектакллар сахна юзини кўрди. Энг қувонарлиси, комедияларимиз ҳам, драматик асарларимиз ҳам ўз мухлисини топди. Театрда аҳил ва ҳамжихат жамоа билан ишлаётганим ҳам менинг бахтим. Бу ерда эришилган ютуқларимиз фақат бир кишиники бўлиб қолмайди. Бугун шундай юксак унвонга эришишимда менга ажойиб ролларини ишониб топширган режиссёрлар, мен билан сахнада ёнма-ён меҳнат қилаётган жамоам, шу қасбни танлашимга туртки берган онам (охиратлари обод бўлсин), ижод қилишимга шароитлар яратиб келаётган турмуш ўртоғим Адҳамжон Холиқовнинг ҳам меҳнатлари бекиёс.

— Талқин этган образларингизда негадир маъсумликдан кўра шаддолик кучлига ўхшайди. Бу феъл-атвор билан боғлиқми ёки режиссёрнинг талабими?

— Режиссёрлар берган ролни ижро этиш биз актёрларнинг вазифамиз. Агар мен сахнада маъсума қиёфада кўринадиган бўлсам, томошабинлар: “Сизга бу рол бўлмабди”, дея эътироз билдиришади. Демак, феълимдаги шаддолимиз тўғрисида шундай ролларга мос тушсам керак. “Кўнгли” спектаклидаги Зухра образида ҳам сокинлик, ҳам шўхчанлик орқали қаҳрамон қиёфаси очиб берилган. “Наҳот истаб”, “Шайтон ва фаришта”, “Қаллиқ ўйини” каби спектаклларда



қайнона, Нафиса, Холбека, “Севгинора”, “Ўжар келин” фильмларида қайнона каби ранг-баранг ролларим орқали томошабинларнинг меҳрига сазовор бўлдим. Хатто салбий образларим ҳам мен учун жуда қадрли. Халқимизда “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”, деган гап бежизга айтилмаган. Асардаги салбий қаҳрамоннинг фожеалари ҳам томошабин учун ўзига хос ибрат бўлади.

— Ҳаётда доим ютуққа эришганлар эмас, йиқилганда даст туриб кета оладиганларгина голибдир, деган эди файласуфлардан бири. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Баъзан арзимаган хато тўғрисида инсон ҳамма нарсага йўқотиши мумкин. Ёки қаттиқроқ бетоб бўлганида тушқунликка тушади. Одамнинг иродаси шундай пайтларда синалади. Икки йил аввал юрак хасталиги билан оғриб, ётиб қолдим. Уша кезлари нахотки, энди ҳеч қимга нафи тегмайдиган, яроқсиз одамга айлансам, деган ўй-фикрлар хаёлимни банд этганди. Шифокорларга катта раҳмат, оёққа туришимга мени ишонтиришди. Қолаверса, ёнимда қизларим, кўёвларим тиргақ бўлишди. Севимли жамоамнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилдим. Мана, яна ишга қайтдим. Энди бирор қийинчиликка учрасам, “Ҳоз тургину, олға интил”, деган шioriни эсга оламан.

— Сиз хизмат қилаётган театр катта даргоҳ. Бу ерда ўзига хос устоз ва шогирдлик мактаби бор эканлиги ҳаммага аён. Бу аънавалар бугун қандай давом этмоқда?

— Институтни тугатиб театрда ишга келганимизда, театр санъатимиз даргалари Икром Болтаева, Зайнаб

Садриева, Замира Хидоятова каби бетакрор актёрларимиз бизни ўз ёнларига олиб, устозлик қилишди. Улардан ўрганганларимизни бугун биз ҳам ёшларга ўргатыпмиз. Ҳозирда бу даргоҳда Дилноза Кубаева, Шодия Тўхтаева, Рихситилла Абдуллаев, Толиб Мўминов каби кўплаб иқтидорли ёшларимиз ижод қилишяптики, уларга сахнани ҳеч иккиланмай, ишониб топшириш мумкин.

— Бугун бувилик деган ажойиб мартабага эришгансиз. Невараларингизга кўпроқ нималар ҳақида сўзлаб берасиз?

— Данадиган мағзи ширин, деган гап бежиз эмас экан. Комронбек, Жавлонбек исмли невараларим бор. Бири биридан зийрак, гапга чечан. Ҳар битта истироҳат боғида, кўп қаватли уйлар ёнидаги болалар майдончаларида фарзандларимиз учун барча шароитлар яратилган. Тўғриси айтсам, ҳозирги ёшларга жуда ҳавасим келади. Менинг невараларим ҳам бугуннинг бахтли болалариники эканидан хурсандман. Уларга ўзимизнинг болалигимиз ҳақида гапирсам, худди эртак эшитгандек, ишонкирамай қарашади.

— Халқимиз орасида: “Битта болани катта қилган она ҳамшира, иккита фарзандни тарбиялаган она шифокор”, деган ибора юради. Тажрибали она, буви сифатида ёш оналарга бола парварлишида қандай тавсиялар, маслаҳатлар берасиз?

— Меҳр берсанг, меҳр оласан, дегим келади. Онасидан меҳр кўрган боланинг кечалари усти очик қолмайди, қорни доим тўқ бўлади. Вақтида шифокорлар кўригидан ўтказилиб, эмлашларга олиб борилса, бола бақувват бўлиб улғаяди.

Қизларимни катта қилиш-

да жуда кўп кийналганман. Ўрталаридаги фарқ бир ёшу уч ойликдан эди. Бири тузалса, иккинчиси касал бўларди. Отасининг топганини дорихонага ташлаб келардим. Менинг аҳволимни кўрган бир онахон: “Болаларингга бир қуни битта қизил лавлагини пишириб бер, эртасига қизил сабзини қирғичдан чиқариб сувини ичир, шунда дори нималигини билмайсан”, деб маслаҳат берди. Унинг айтганларини ҳафсала билан бажардим. Сервитамин, фойдали таомлар билан сийланган болалар соғлом ва бақувват бўлиб ўсаркан. Чиндан ҳам кейин болаларим учун дори-дармонга югурмадим. Мана, қизларим Оминахон, Гулжаҳонбону, Зебунисо улғайиб, эл-юрт қорига ярайдиган бўлиб қолишди.

— Маҳаллада ўтказиладиган мажлис, тадбирларга ота-оналар таклиф қилинса, қандайдир баҳоналарни рўқач қилиб, имкони борича бормасликка уринишади. Сиз яшайдиган маҳаллада бу ишлар қандай йўлга қўйилган?

— Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Ҳабибий номи маҳаллада яшайман. Йиғилишларга чиқиб, барча ишларни ҳамжихатликда маслаҳатлашиб ҳал қиламиз. Оқсоқолимиз Хусниддин ака Бегматов бизга бош-қош. Агар маҳалла масъуллари ўз ишини сидқидилдан бажарса, одамларга ишонса, фуқаролар ҳам уларнинг ордина эргашади. Ҳар битта йўлак (подъезд)да яшовчи аҳоли озодалик, тинчлик учун ҳарақат қилади. Хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати раиси Барно Абдуллаева ва маҳалламиз фаоли Нажмиддин ака Бобоевнинг саъй-ҳаракати билан ҳар битта уйнинг эшигига замонавий (қодланган) кулфлар қўйилди. Ибратли ота-оналаримиз жуда кўп. Уларнинг салобати, юриш-туриши, оиласидаги соғлом муҳит болаларнинг тарбиясига таъсир қилади.

— Ойдин кечаларда кўпчилик осмонга термилиб, булутларнинг сузишини томоша қилади. Яна кимдир ой билан сирлашади. Сиз бундай лаҳзаларда нимани ўйлайсиз?

— Тунда сокин осмонга термилганимда, энг аввало, овоз ва обод юртимизнинг тинч-осойишта эканига шукрона айтаман. Айрим ҳудудларда бўлаётган талотўлар, фожеаларни эшитиб, осуда осмонимизда сузиб юрган оймомога юлдузлар кўзюмучок бўлсин, дея ният қиламан. Оллоҳга шукр, тонгни тинчлик-омонликда қарши оламиз. Тунларимиз ҳам сокин. Мана шундай гўзал ва бетакрор заминда умргузаронлик қилаёلمиз. Турмушимиз фаровон. Ишимиздан, фарзандларимизнинг келажагидан кўнглимиз тўқ. Шу боис ҳам шукроналар айтиб ухлаб, шукроналар билан уйғонаман.

“Оила ва жамият”  
муҳбири  
Нигора РАҲМОНОВА  
суҳбатлашди.



**ЮЗКЎРИМЧИ** — бу сўзнинг тилимизда “юзкўрим”, “кўрмана” шакллари ҳам бор. Никоҳ тўйи эртасига юзочар маросимида келиннинг юзини кўрсатиш ва салом солиш жараёнида бериладиган ҳадялар “юзкўрим” сўзи билан ифодаланган. Чақалоқни кўрганда қариндошлар томонидан унга бериладиган ҳадя эса, “юзкўримчи” ва “кўрмана” сўзлари билан ифодаланган.

Келинсаломни маромига етказиб айтаётган Мастон хола бир тўхтадида, Абдушукур оқсоқолга:

— Келиннинг юзкўримчисини беринг, бобоси, — деди.

Журналдан

**БАНАН** — меваси узунчоқ, йирик, тотли, банансимонлар оиласига мансуб бўлган кўп йиллик тропик ўсимлик “банан” деб аталганини яхши биламиз. Хўш, бу сўзнинг туб илдизи қандай маънони англатади? “Банан” аслида “бармоқ” деган мазмунни ифодалаган. Балки бу, меванинг бармоққа ўхшашлиги сабаб бўлган бўлиши керак. Бу сўз тилимизга испан тилидан кириб келган.

**Дўстлар бироз сўлган бананларнинг олтинсимон пўстларини арчиб, нон билан ея бошладилар.**

Ойбекнинг “Нур қидириб” асаридан

**РУСТАМ** — адабиётшунос Суйима Ганиева изоҳига кўра, тилимизда “қаҳрамон, ботир, пахлавон” маъноларини билдирган бу сўз Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Рустами дostonнинг онаси фарзанди тугилган лаҳзаларда биринчи айтган сўзи “Рустам” бўлиб, бу сўз “енгил тортидим”, “енгиллашдим” деган маънони билдирган экан.

**Рустами дoston образи асрлар мобайнида мардлик ва жасорат тимсоли бўлиб келган.**

Газетадан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

# ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНЧОҚ

## ёхуд болалар автомашинаси ва мотоцикллари хусусида

(Боши ўтган сонда)


Иккинчи мақола

...Маҳалла кўчаларидан бирида шошиброқ келаётган эдим. Машинанинг сигнали эшитилди, ортимга ўгирилсам, бироз нарида енгил автомобиль келаётган экан. Шу маҳал яна нимадир ёнимдан лип этиб ўтиб кетганини кўриб, ҳалиги "улов"нинг деярли овозсиз мотоциклча эканини фаҳмладим. Уни 8-9 яшар бола ҳайдаб борарди. Хуллас, шу бир-икки сониялик ҳолат боис мазкур мавзу мени беихтиёр қизиқтириб қўйди ва бу жиддий мавзу хусусида батафсил тўхталиш лозимлигини англадим.

### МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР КАБИ...

**Шохдор АХМЕДОВ,**  
**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейининг физика кафедраси раҳбари:**  
— Аввало болалар мотоцикллари ва автомашиналари уларда илк техник кўникмаларни пайдо қилади, деб бўлмайди. Техник билим ва кўникмалар ҳар куни такрор-такрор битта тугмачани босиш, рулни у ёқдан-бу ёққа бураш билан эмас, физика, электро-техникага оид фанларни ўрганиш орқали ҳосил қилинади.

Болаларга тақлиф этилаётган бу техник воситаларнинг зарарини маълум даражада тасаввур қилиш учун ларни мобил телефонларига қиёслаган бўлардим. Айниқса, уларнинг ана шу телефонлардаги оммалашиб кетиши мумкинлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Негаки, оммалашиб боргани сайин ҳамма харид қилаверади, қизиқиш ортади. Бу эса ота-оналар ўз фарзандининг қўлига тутқазган "улов"лар билан боғлиқ ноҳус ҳодисаларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Чунки ёш бола-да, у техника маданиятига, техникавий малакага эга бўлмайди, йўл қодаларини деярли билмайди. На-тижада уни харид қилган ота-она учун бу бир муаммога айланади. Негаки, болани ҳар бир дақиқада тўлиқ назорат қилиш қийин, катталарнинг ўз иши, турмуш ташвишлари бор. Бил-мизки, ўн йилча олдин мобил теле-фонлари ҳаммада ҳам бўлмасди, кўп ўтмай шу қадар оммалашиб кетдики, унинг зарарли жиҳатларидан фар-зандларимизнинг маънавияти, соғли-гини асрашга жиддий зарурат озага келди, ҳозирда ўқувчиларнинг дарс вақтида улардан фойдаланишига йўл қўйилмаслиги қоида этиб белгилан-гани беҳиз эмас. Тўғри, телефоннинг зарур хизматлари бор, аммо бу фикр-ни болалар мотоцикллари ва автомо-билларига нисбатан айтолмаймиз.



Бундай техник "ўйинчоқ"лар ўқув-чининг илм олиши, ўқишига салбий таъсир қилади, ўқувчини чалғитади, деб ўйлайман. Боланинг бутун фикр-хаёли ўшанда бўлади-да, ўзи дарсда ўтирса ҳам машинаси ёки мотоцик-лини ўйлайди, тезроқ уйига борса-ю, шуни ҳайдаса. Мактабга ҳам боргис-и келмайди, балки "ўқишга кетдим" деб алдашга уринади ёки "дарс бўлмади", деб уйига келиб қўяди.

Электр энергияси ёрдамида ҳара-катланувчи бундай мотоцикл ва ав-томашиналарни ўйинчоқ деб атама-ган бўлардим. Аввало у техникага тааллуқли, тезлиги ҳам ўйинчоқ де-йиш даражасидан анча юқори. Бола уни ҳайдаяпти, 3-4 метр эмас, анча масофани босиб ўтиш имконига эга. Ҳар ҳолда, болалар ёки кексаларни уриб юборгудай бўлса, жароҳатла-ша "қурби" етади. Балки кўриниши транспорт воситаларига нисбатан кичик бўлгани учун уни ўйинчоқ деб аташгандир. Аслида, одатда, 1-6 яшар болалар ўйнайдиган (кўчада миниб юрадиган эмас) нарсаларни ўйинчоқ деса бўлади. Ички кўчалар-да баъзан болалар миниб юргани кўзга ташланаётган бундай "улов"лар эса техника билан боғлиқ. Бензин эмас, ток билан зарядка қилиш ор-қали юради, холос.

Ўйлайманки, жуда қизиққанлар болалар майдончасидан ташқари

бўлган махсус жойларда, истироҳат боғларида **нафақат ота-онанинг, балки шу билан бирга, бошқа масъул шахсларнинг назоратида** фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бизнингча, бунга уй ша-роити тўғри келмайди, чунки бола уйда катталар йўқлигидан фойдала-ниб, бемалол кўчага ҳайдаб кета-веради. Табиийки, кўчада у орқага бу-рилади, йўлни кесиб ўтаман дей-ди, тўсатдан бирор транспорт воситаси уриб кетиши мумкин ва ҳоказо. Ўйлайманки, ёш болалар учун бу кундалик ўйинга айланб қолмаслиги лозим. Аслида 7-8 ёшдан бошлаб болажонлар ўзиндан кўра ўқишга кўпроқ қизиқишлари зарур.

Тўғри, болалар мотоцикли ва автомашиналари дунёнинг бир неча мамлакатларида оммалаш-моқда. Бироқ, бола тарбияси ма-саласида бизнинг асрлар даво-мида синалган, бугун қайси бир ўлкаларда кузатилаётган маъна-вий таназзулдан йироқ бўлаёт-ганимизда катта роль ўйнаган ўзига хослигимиз, қадриятлари-миз бор. Меҳр-оқибатли ва болажон халқимиз ўз синашта қадриятларига мудом амал қилади.

### ЭНГ ҚИЗИҚ НАРСА

**Сарвар БЕГАЛИЕВ,**  
**травматолог, ортопед:**

— Электр энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи бундай автомашина ёки мотоциклини ҳайдаётганда бола-нинг ўзи ҳаракат қилмайди. Шу боис бу каби техник воситалар организм-да суяк ва мушакларнинг ривожлани-шига бирон бир ижобий таъсир кўрсатмайди. Шу жиҳатдан қараган-да, ота-оналарнинг ўз фарзандига бундай "улов"ларни олиб бериши болани жисмоний ҳаракатдан чеклаш, холос. Машинаси юраётган бўлса ҳам кичик "ҳайдовчи" бир жойда ҳаракат-сиз қолади. Бу ҳолнинг эса боланинг жисмонан ўсишида фойдадан кўра зиёни кўпроқдир. Табиийки, бир жой-да ўтириб, битта тугмачани босиши билан унинг бирор бир аъзоси ривож-ланиб кетмайди. Аксинча, аста-секин унда шундай кўникма пайдо бўлади-ки, арзимаган узоқликдаги жойга, масалан, кўшнисиникига ҳам маши-насида боргиси келади. Боланинг жисмонан ривожланиши учун уни ўзи ҳаракатланишига мажбур қилиш ке-рак. Хусусан, ўйинчоқларнинг ҳам механик ҳаракатланувчи турларини

Мулоҳаза учун мавзу

олиб бериш мақсадга мувофиқдир. Дейлик, велосипедларнинг мувозан-нат аъзоларига фойдаси бор, ҳара-кат органларига ижобий таъсир қила-ди. Шунингдек, педаль билан юрги-зиладиган болалар автомашиналари ҳам оёқ мускуларининг ривожлани-шига кўмаклашади, болада жисмоний жиҳатдан қизиқиш ҳам ортади. Албат-та, 14 ёшгача махсус ўйин жойлари-да, назорат остида велосипед ҳайда-ши, ўйнаётган пайтда йўл қодала-рини ўргатиб бориш келгусида яхши натижалар беради. Шу орқали бола меҳнат ҳам қилаётган бўлади. Тўғри-дан-тўғри унга "мотор"ли нараса олиб бериш уни дангаса қилиб қўяди. Шуни унутмайлики, боланинг жис-моний ривожланиш вақтлари бор. **Айниқса, 3-4, 12-14 ёшларда ўзгаришлар катта бўлади.** Умуман, 25 ёшгача одам организмда ҳамма суяклар шаклланиб бўлади. Қолавер-са, болагидан бундай автомашина-га ўрганиш унда дадасининг катта ма-шинасини ҳайдашга жиддий қизиқиш уйғотади. Қаровсиз қолганида ўз ма-шинами ҳайдаганман, буни ҳам уд-далайман, деб шунга уриниб кўради, бу эса оғир оқибатларга олиб кела-ди.

**Бола учун энг қизиқ бўлган нар-сани олиб берсак, у учун унча қизиқ бўлмаган, бироқ ўрганиши, билиши жуда зарур бўлган нарсалардан у янада йироқлашади.** Яъни унинг бундай "улов"га эга бўли-ши, масалан, китоб ўқиш, турли ма-шқларни бажариш ва бошқа шу ка-биларни қилмасликка олиб келади. Фарзандига бу турдаги мотоциклъ ёки автомашина олиб бериш, меним-ча, бу ота-онанинг шунчаки орзу-хавасидир, бундан бошқа нараса эмас.

6-12 яшар бола деймиз, бироқ улардан каттароқ бўлган, яъни 14-15 яшар вояга етмаганлар велосипед, мопед ҳайдаб, турли йўл ҳодисала-рини содир этаётгани, оғир жароҳат олиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Йўл ҳодисаси билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун ўқитувчилар, маҳалладаги шифокор-лар, йўл ҳаракати хавфсизлиги хиз-мати ходимлари биргаликда тарғибот ишларини кучайтиришлари амалий натижалар бериши шубҳасиз.

Машинага қизиққан болажонлар энергия билан эмас, механика билан ишлайдиган, ёшига мос велосипед ва автомашиналардан фойдаланишса, педальни ҳар босишга кучанганида мушак системаси яхши ишлайди, бу эса қон айланишини кучайтиради. Қон айланиши суякларнинг мустаҳ-камланишига олиб келади.

(Давоми бор)

**Дилором МАТКАРИМОВА,**  
**«Оила ва жамият» мухбири.**

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 оий ўқиш, 2 оий амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт амалиёт).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пиширдиқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансга).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс

тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзё 1-уй 31-хона. МУЎЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**Азиз жияним**  
**Шоҳжаҳон Тўраев!**



Туғилган ку-нинг билан та-бриклайман. Ақ-ли, билимдон бўлиб камол то-пишингни, доимо бахтиёр бўлишин-гни тилайман!

**Амманг**  
**Зилола.**

### ЭЪЛОН

Тошкент Ахборот технологияла-ри университети талабаси Маҳму-дов Усмон Ҳасанович номига берил-ган рейтинг дафтарчаси ҳамда та-лабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Кўшнимизнинг қизи уйда меҳмон борлигини айтиб, бизни-кига корейс сериалини кўриш учун чиқибди. Мен бу кинони кўрмаётганим учун ундаги воқеаларни деярли тушунмадим. Фақат эндигина ўн олтига тўлаётган қизнинг сериалдаги йигит-қиз ўртасидаги муҳаббатга бўлган муносабати эътиборимни тортди.

— Э, ялинаверма унга! У бўлмаса, ана, анавиниси бор-ку! — деб юборди бир маҳал экрандаги қизга ачингандай бўлиб.

Мен унга савол бердим:  
— Балки уни чиндан яхши кўрар?

— Э, мен унинг ўрнида бўлганимда, нариги компаниянинг директори бўлган йигитни танлардим. Бу ялинаётган йигит — оддийгина расом. Қиз уни бошига урадимми?..

Сухбатимиз мазмуни шу. Лекин ҳалиги қиз ва унинг севги-муҳаббат ҳақидаги тушунчаси мени анча вақтгача ўйлантириб қўйди.

Тўғри, бугун ҳамма нарса ўзгарган. Ўз навбатида инсоний туйғулар, муносабатлар ҳам. Бундан йигирма йигирма беш йиллар аввал агар қиз бирон йигитдан дил изҳори битилган мактуб олса борми, ҳаяжондан титрарди. Бу мактубни у энг яқин дугонасидан ҳам сир тутган, уялган. Бугун эса ишқ изҳорлари «sms»ларда намоён. Сирлилиги ҳам қолмаган. Энг ёмони, туйғулар сарсон, туйғулар ёлгон!

Бир қиз ёнимга шеърини машқларини олиб келди. Дафтарни варақлаётсам, бир сурат чиқди. Хузуримда ўтирган қиз бир йигит билан ёнма-ён турганча бармоқларини бир-бирига теккизиб (улар шу тариқа юрак шаклини пайдо қилишган) туришибди.

— Йигитингизми?  
Қиз афтини бужмайтирди.  
— Аввал шунақа эди, ҳозир бошқасини севаман...

Шундан кейин қизнинг шеърларини ўқимадим, кўз югуртириб чиқдим, холос. Боболар-момолар муқаддас билган муҳаббатни ўйин билган қиз юракка етиб борадиган шеърлар ёза олишига кўзим етмагани учун шундай қилдим. Кўнглимда ташвиш тугилди: бу қиз гўёки эртага турмуш

қуради-да, оиласига нисбатан ҳам «аввалгиси ва бошқаси» деган сўзларни тап тортмай қўллайдигандек...

Қунлар исиган маҳал муқаймоқхоналар анча гавжумлашиб қолди. Бир куни ҳамкасбим билан йўл-йўлак шундай жойда сақкин ичимлик ичдик. Бу ерга келаётганларнинг кўпчилиги ёшлар, яъни мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва коллеж талабалари. Уларни кузатар эканман, мактаб ўқувчиси экани шундоқ сезилиб турган 14-15 ёшлардаги қизнинг

## МУҲАББАТ ЁЛҒОН ЭКАН!



ўзи тенгқур йигитча билан маҳкам қўл ушлашиб келгани эътиборимни тортди. Нега қизларимиз ўғил болалардан ийманмай қўйишяпти, деган савол кўнглимни гаш қилди бир зумда. Беихтиёр болалигим ёдимга тушди.

Мактабда ўқиб юрган кезларимиз ёзги таътил даврида дехқончилик қиладиган қариндошларимизга ёрдамга чиқардик. Албатта, даланинг ён-веридида маҳалладан ҳам йигит-қизлар ҳашарга чиқар, табиийки, шу ерда ҳам муҳаббат пайдо бўларди. Бир йигит Гулноз исмли қизни ёқтириб қолди. Тушлик чоғида Гулноз юз-қўлини ювгани дала четидидаги канал бўйига тушганида, йигит уни ўша ерда холи учратиб, гаплашиб олмоқчи бўлибди. Юз-қўлини ювиб ортига бурилган қиз йигитга рўбарў келади. Йигит: «Жавобингни айтмагунингча йўлдан қочмайман!» дебди. Шунда Гулноз... шартта ортига ўгирилади-

### Нима дейсиз?

да, ўзини каналга ташлайди!

Яхшиямки, катталар буни сезиб қолишган. Кейинчалик Гулноздан нега бундай қилганини сўрасак, у: «Уни ёнимда турганини биров кўриб қолишдан кўрқдим», деди...

Мен Гулнознинг бу қалтис ҳаракатини оқламоқчи эмасман. Аммо ундаги ибод-ҳаё, уят туйғусининг кучлилиги, ориятининг баландлигига ҳали-ҳалигача ҳавасим келади...

Маҳаллаамиз бошида мажнунтол бор. Баҳордан то куз охирига қадар бу ерда бир манзаранинг гувоҳи бўламан: шивир-шивир, шивир-шивир. Гоҳда ошкор, гоҳда пинҳон. Катталарнинг кўпи бу манзарани кўриб, ўзларини кўрмаганга олишади. Чунки галвага ҳеч кимнинг тоқати йўқ. Чунки бир марта ўзим ҳам танишимнинг қизига дакки бериб, балога қолганман.

Онаси «кўрққан олдин мушт кўтарар» қабилида уйимга келиб, мени фирт тухматчига чиқарган. Мен бор-йўғи унинг коллежда ўқийдиган қизини тартибга чақиргандим, холос.

Бир куни ўша ерда бир қизни икки-уч марта учратдим. Фақат ҳар гал йигитлар бошқа-бошқа эди...

Эҳтимол, бу газета саҳифасига олиб чиқишга арзирли мавзу эмасдир. Аммо туйғуларни увол қилаётган қизлар эртага бахтнинг ҳам уволга қолмасмикинлар? Муқаддас ҳисларнинг қадрига етмаган қиздан сирлилик, жозоба, латофатни топиб бўлармикан? Асл туйғуни шунчаки ҳою ҳавас билан адаштираётган қизларнинг ҳар бири бир оиланинг ори эмасми?

Бировнинг тақдири устидан сўз айтишга ҳаққимиз йўқ. Аммо қизларимиз ва уларнинг севги-ишқ деган ҳисларга нисбатан муносабатини қўяётган қадамига бефарқ бўлмасдан, уларни чинакам бахт кўргони томон ёруғ юз, пок қалб ила кузатиб қолишга ҳамма-ҳаммамиз ҳаққимиз.

Шахло ТОШБЕКОВА

### Фаолият

«қуда-андачиликда сиз ёшлар муҳим роль ўйнайсиз», деб уларнинг бўлар-бўлмас майда-чуйда гапларга берилмаслиги тушунтирилади.

Айрим ёшлар турли телесериалларни мунтазам томоша қилиб келаётгани боис уларда ана шу экран ҳаётини ҳайси-дир даражада ўз ҳаётида такрорлаш истаги пайдо бўлиши ҳам кузатилади. Бир аёл шахарлик қариндошиникига меҳмонга боргани, у ерда кўшнисининг ёшгина келини ўз умр йўлдошидан ётоқ жойига нонушта олиб киришини сўраганини эшитиб, бундан жуда ажабланганини айтиб қолди. Сериалларда тўй маросимида тасвирланган, қадриятларимизга мутаносиб бўлмаган кераксиз урфлар баъзан бизнинг тўйларга ҳам «юқиб» қолаётгани кўзга ташланади. Қадриятларимиз заминидидаги ҳаёт сабоқлари оилалар мустаҳкамлиги, хонадонлар ҳаловати, ёшларимиз ва фарзандларнинг бугуни ҳамда эртанги келажаги орзу қилганимиздек бўлиши учун уларга йўл-йўриқ, синашта ибратлар саналади.

Ригина МУХАМЕДАЮБОВА,  
Бўстонлик тумани ФХДЁ бўлими инспектори.

### Биласизми?


## ШИРАСИ ТИЛ ЁРАР, ФОЙДАСИ-ЧИ?..

«Ковун есанг сахар е...», деган иборани эшитганмисиз? Шираси тил ёрар неъматнинг калорияга бой эканига ишора бу. Навларига қараб унинг 100 грами 30-38 ккал.га эга. Ковунли парҳезни ихтиёр этганлар кун бўйи кам-камдан истеъмол қилишлари керак. Фақат бу каби парҳез 3 кундан ошмаслиги шарт.

У фольи кислотасига бойлиги туфайли хомиладор аёллар учун жуда фойдалидир. Асабларни зўриқишда-халос этибгина қолмай, хотирани ҳам мустаҳкамлайди. Таркибидаги С дармондориси эса қишда организм учун мустаҳкам мудофаа вазифасини бажаради. Ёзда бу неъматдан мўл-кўл баҳраманд бўлганларнинг танаси қиш учун С витаминини гамлаб олади-да. Шунингдек, таркибидаги бета-каротин туфайли сочлар ва тирноқларга жозоба бахш этади.

Ковун кайфиятни кўтариб, уйқусизликнинг олдини олади. Толиққанда, асабийлашганда истеъмол қилинса, супероксиддисмутаз ферментини ишлаб чиқариб, танага енгиллик бахш этади.

Ковун қоқиларининг бозори чаққонлиги ҳам бежиз эмас. Ушбу поли-экини қуритилганида ҳам барча дармондорилари сақланиб қолади. Шунинг учун унинг қоқисини йил бўйи истеъмол қилсангиз ҳам қони фойда. Қоки тайёрлаш учун «гўшти», юмшоқ ковун навлари мос бўлиб, уруғлари-



дан ажратилгач, пўсти кесилиб, бўлақларга бўлинади. Устига дока ёпиб, офтобга қўйилади. Барча тарафи бир текисда қуриши учун ковуни ўғирта туриш керак. Ковун қоқи 8-12 кунда тайёр бўлади. Бу мазали поли-экини қишгача туриши учун табиий шойи газламали қопчада, қуруқ жойда сақлаш лозим. Ҳаво қирмайдиган жойда сақлаш ярамайди. Акс ҳолда, могорлаб қолиши ҳеч гап эмас.

▲ Ковунни оч қоринга ейиш тавсия этилмайди.

▲ Уч ойгача ковуни совуттичда музлатилган ҳолда сақлаш мумкин. Бундай ковун коктейл ва ичимликлар учун ишлатилади.

▲ Сут маҳсулотлари ҳамда алкоголь ичимликлари билан бирга истеъмол қилинса, ҳазм бўлиши жараёни бузилади.

▲ Эмизикли оналар истеъмол қилганида чақалоқнинг сутни ҳазм қилиши қийинлашади.

▲ Таркибиди юқори даражали шакар миқдори мавжудлиги туфайли қандли диабет хасталиги билан оғриган беморларга тавсия этилмайди.

▲ Ошқозон-ичак хасталикларининг юқумли турлари билан оғриганлар ҳамда гастрит ёки ошқозон яраси бор беморларнинг ҳам истеъмол қилиши зарарлидир.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА  
тайёрлади.

## ХОНАДОН ҲАЛОВАТИ

Қасбимиз тақозоси билан ҳар бири ўз турмуш тарзига эга бўлган кўп оилаларда ёшларнинг никоҳ риштаси боғланишига гувоҳ бўлаамиз. Тўғри, исталган келин-куёв ҳар доим ҳам бир-бирининг шахсий ёки оилавий ҳаёти ҳамда бошқа имкониятлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлавермайди, лекин уларнинг бахтли яшашга интилишлари қувончли, албатта.

Гоҳида турмуш қурганига ҳали кўп вақт ўтиб улгурмаган келин-куёвлардан бириси келиб, турли баҳоналарни рўқаб қилган ҳолда ажрашишнинг осон йўллари қандай бўлади, деб сўрайди. Шундай пайтда ФХДЁ бўлими ходими у билан бафуржа сухбатлашиб, муаммонинг туб сабабларини билишга ва ечимини топишга ҳаракат қилади. Шу ҳақда сўраб-суриштирилганда келин ёки куёвнинг бу жиддий ҳаётий масалада шошқалоқлик қилаётгани аён бўлади.

Бўлимимизда «Ёш оила дорилфони» ташкил этилган бўлиб, унда никоҳланувчи ёшлар билан то тўйга қадар сухбатлар олиб борилади. «Оилавий муносабатларда,



## УЧАР АВТОМОБИЛЬ ТИРБАНДЛИКНИ МАХВ ЭТАДИ

Учар автомобиль аллақачон кўпчиликнинг орзусига айланган эди. Авваллари бундай автомобилни мультфильм ёки фантастик киноларда кўрардик. Техниканинг жадал тараққиёти бундай орзулар рўёбини ҳам тезлаштирадиган кўринади. Америкалик конструкторлар худди шундай антиқа автомобиль йиғишга муваффақ бўлишди. Terrafugia Transition деб номланган ушбу машина тигиз пайтлардаги тирбандликлар муаммосини ҳал этиши мумкин. Фақат мўъжизавий транспортнинг нарихидан қочмасангиз бўлгани: 279.000 АҚШ доллари.

Terrafugia Transition икки ўринли автомобиль бўлиб, бир вақтнинг ўзиде иккита йиғиладиган қанотга ҳам эга. Уни бошқариб, ҳавода сайр қилишни истаган ҳайдовчи текис йўлда тезликни 200 км/соатга чиқариши ва шундан кейингина қанотларини ёзиб, самога кўтарилиши мумкин. Бундай тезликни олиш учун эса йўлнинг 1.700 метр масофасини босиб ўтиш керак. Машинанинг максимал учиш тезлиги соатига 185 км. Учар автомобиль йиғилганда анча ихчамлашиб, оддий автомобиль гаражидан жой олади.

## ХОНА БЎЛИБ ЎЙЛУВЧИ ЖОМАДОН

Бу фусункор мўъжиза-қути кўзбойлогич ўзи билан олиб юрадиган сандиқ эмас, балки Роберто Де Лука ва Антонио Скарпони каби машҳур дизайнерлар томонидан



ясалган ҳамда филдиракли асосга ўрнатилган ажойиб жомадондир. Агар бу жомадонни очсангиз ва кўрсатмага асосан ёйиб, жиҳзоларини тартибга кўра ўрнатиб чиқсангиз, тўрт метр квадратли шинам офис ёки ётоқхона пайдо бўлади. Бу "ётоқхона" кароват, стол, стул, шкаф, тунчирок ва парда билан жиҳозланади.

Муаллифлар ўзларининг "Хотелло" (Hotello) деб номлаган ушбу "асар"ини Милан шаҳрида бўлиб ўтган кашфиётчи хунармандлар кўргазмасига тақдим этишганида қатнашчиларнинг кўпчилигида қизиқиш уйғотди. Тасаввур қилинг, агар шундай жомадонингиз бўлса, қайси жойга сафарга чиққанганда ҳам сизда меҳмонхона билан боғлиқ муаммо бўлмайди.

Наргиза СИДДИКОВА  
тайёрлади.

## “Бахтли бўлинг” саҳифаси

### ДОКА РЎМОЛ ҚУРИДИ

Тахририятимизга кириб келган Самандар аканинг юзларидаги гамгин кайфият ҳаётда кўп бора кийинчиликка учраганликларини билдириб турарди.

— Соҳиба жуда вазмин ва оқила аёл эди, — деб гап бошлади у. — 11 йил бирга яшадик. Бир кам дунё деганлари шу бўлса керак, тақдир бизга зурриёд бермади. Сабабини аниқлаш мақсадида бормаган шифокору табиб қолмади. Аёлимнинг қўшни болаларни суюб эркалашларини ёки кечалари мендан яшириб, кўз ёш тўкканларини кўра-била туриб, индамай юролмасдим. Балки, бошқа инсонга турмушга чиқса фарзандлик бўлар, деб у истамаса-да, ажрашишга кўндирдим. Орадан бир мунча вақт ўтгач, олти йил турмуш куриб, фарзандлик бўлмай, ажрашган. Дилноза исми аёлга уйландим. Оллоҳнинг қарами кенглигини қарангки, кетма-кет бир қиз, бир ўғил туғилди. Қариндош-уруғларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлди. Аммо орадан 3-4 йил ўтгач, Дилноза топиш-тутишимдан нолийверади-ган бўлиб қолди. Ўзим қурилишда ишлайман. Рўзгоримизни бутлаб, кам-кўстини тўлдиришга ҳаракат қиламан. Хотиним эса эса тез-тез аразлаб, болаларни олиб, отасиникига кетиб қолаверадиган одат чиқарди. Неча марталаб изидан бориб, ялиниб олиб келардим. Муроса қилиш мақсадида бир гапдан қолсам, у янада баланддан кела бошларди. Инсоф кириб қолар, уйдагилари насихат қилишар деб ўйладим. Аммо, отанаси ибрат бўлиш ўрнига: “Уйларимиз сероб, истанаси вақтинг келавер”, дейишаркан. Мана, охириги марта кетганига тўққиз ой бўлди. Беш марта бориб, хабар олдим. “Яшамайман”, деб юрибди. Ажрашай десам, иккита фарзандим бор. Уларнинг келажагини ўйлаб ҳавотирланаман. Ёлғиз эркакнинг аҳолини тушуниш қийин эмас, бундай яшаб бўлмайди ахир! Хуллас, сабрнинг ҳам чегараси бор. Илтимос, маслаҳат беринглар, энди нима қилай, тоқатим тоқ бўлди ахир, қачонгача ялиманам?

Самандар аканинг бу гапларини эшитгач, тилаб олган фарзандларини тирик етимлик доғига ташламаслиги, шуларнинг келажаги учун ҳам оиласини сақлаб қолиши учун курашиши кераклигини тушунтирдик. Аёли билан учрашиб, бафурга гаплашиб олишини, болаларнинг тақдири учун икковлари бирдек масъул эканини Дилнозага тушунтиришини маслаҳат бердик. Халқимиз қарс икки кўлдан чикади, деган нақлни бежиз айтмаган. Дилноза билан телефон орқали боғланиб, ўзини қийнаётган муаммоларини тингладик. Ўртада муроса йўли кўрингандек бўлди...

Орадан бир ҳафта ўтгач, Самандар ака тахририятимизга кўнғирок қилиб, турмуш ўртоғи билан ярашиб олганини айтди. Биз эса яна бир оила асраб қолингандан хурсанд бўлдик.

### ОПА-СИНГИЛНИ ЎЙЛАЙМАН

Карима билан бир синфда ўқиб, опа-сингилдек бўлиб кетганмиз. Яхши-ёмон кунларимизда бир-биримизга елкадошимиз. Мен икки ўғил, икки қизимдан тиниб, олти нафар набиранинг бувижониси бўлдим. Дугонам эса уч қизидан биттасини турмушга узатди. Икки қизининг эса негадир бахти очилмаяпти. “Отаси тирик бўлганида қизларимнинг ҳаёти бошқача бўлармиди”, дейди дугонам эзилиб.

Ҳозир қизларнинг бири 26, иккинчиси 27 ёшда. Иккиси ҳам моҳир тикувчи. Бахтли оила куриш ниятида юрган, ақли-хушли, иши, уйи тайин йигитлар учраса, қув ёқларди.

ҚАМАРНИСО опа,  
Сурхондарё вилояти.

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:  
(8-371)234-25-46

### ҚАЙНОТАМ РОЗИ

Бундан ўн йил аввал қайнонам юрак хуружи туфайли дунёдан ўтиб қолди. Маъракаларидан кейин кенжа қайнимни ҳам уйлантирдик. Қайнотам эса бошқа уйланмадилар. Улар қандли диабет касаллигига чалинганди. Оёқларининг бош бармоғида яра пайдо бўлди ва текширувлардан сўнг шифокорлар қайнотамнинг оёқларини тўпигигача кесиб ташлашдан бошқа чора йўқлигини айтишди. Ноилоҳ рози бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай, кесилган жойида яна яра пайдо бўлди. Бу сафар тиззасидан кесиб ташлашди. Ҳозир қўлтиқтаёқда юради. Ўзи чумолига ҳам озор бермайдиган инсон. Яқинда турмуш ўртоғим билан маслахатлашиб, қайнотамни уйлантиришга қарор қилдик. Бу гапни эшитиб: “Ўзим ҳам шуни сизларга айтмоқчи эдим, мени тушунадиган аёл топиламанмикин”, дебди. Қайнотам яқинда 65 ёшга кирди. Уй-жойларимиз етарли. Дадамнинг оғирини енгил, ярим кўнглини бут қилиб юрадиган савобталаб аёл топилса, бундай қайнонанинг хизматида ўзимиз бўлардик.

ЗАМИРА,  
Тошкент вилояти.

### ТИББИЙ КЎРИКСИЗ ТУРМУШ КЎРГУЛИК ЭКАН

Мақтабни тамомилаганимдан кейин мени узоқроқ бир қариндошимизга узатиб юборишди. Қувонни тўйдан кейин кўрдим. Ёши мендан анча катта бўлса-да, кўнгли очик инсон эди. Орадан икки ойлар ўтгач, унинг терисиде қандайдир доғлар пайдо бўлиб, кейин қуриб тўқила бошлади. Қўрқиб кетганимдан бу хабарни ота-онамга етказдим. Маълум бўлишича, эримдаги бу ҳолат ҳар баҳорда такрорланадиган касаллик экан. Уйимдагилар хомилдор бўлмасидан ажратиб олиш керак, бўлмаса боласи ҳам шундай туғилади, деб мени уйга қайтариб олиб келишди. Ота-онам оламдан ўтишгач, икки акам ва укамга суяниб қолдим. Келинларим билан муносабатларимиз яхши. Ҳозирги кунда турмуш қуришдан аввал икки ёшнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши мени қувонтиради. Агар бизнинг даврда ҳам шундай талаблар бўлганида ҳозир набираларим қуршовида бўлишим мумкин эди-ку! Шу пайтгача бошқа турмуш қурмадим. Аммо ёлғизлик азоби улғайганинг сайин билинавераркан. **Ёшим 48 да.** Фарзандларидан тинган, уй-жойи тайин инсон учраса, турмуш қуриш ниятидаман.

САЛИМА опа,  
Жиззах вилояти.

### МЕҲР КЕРАК, МУҲАББАТ КЕРАК

Суръат ака билан бир мактабда ўқиганмиз. Ўқишни битиргач, турмуш қурдик. Қайнона-қайнотам бир қизи икки бўлганидан қувониб, мени жуда ардоқлаб, меҳр кўрсатишарди. Отам ҳам хушмуомала, топармон-тутармон, кўнгли очик инсон эди. Хуллас, биз жуда бахтли яшардик. Афсуски, ўрта-мизда фарзанд бўлмади. Ўн йил фарзандлик бўлишни орзу қилиб яшадим. Кўплаб шифокорлар кўригидан ўтдик. Уларнинг ҳаммаси бир хил ташхис қўйишди: мен она бўлмас эканман... Шундан кейин турмуш ўртоғимга ажрашишимиз кераклигини, у бошқа аёлга уйланиб зурриёд қилиши лозимлигини айтдим. Суръат ака эса бефарзанд ўтса ҳам мендан юз ўғирмаслигини маълум қилди. Мен бунга кўнмай, уйни тарк этиб, ажрашиш учун ариза бердим... Суръат ака уйланди. Ҳозир ширингина ўғли бор.

**Ёшим 42 да.** Маълумотим ўрта-махсус. Фарзандли, касби тайин, иймонли инсон учраса, турмушга чиқиш ниятидаман.

МУСЛИМА,  
Хоразм вилояти.

# КИЙИМДАГИ ЁЗУВ МАЪНОСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Либос инсоннинг кўрки, деган гап бежиз айтилмаган. Одамнинг кимлиги, нечоғли маданиятли ва маърифатли эканини кийимига қараб ҳам билиб ола билади. Аммо бугунги кунда айрим ёшлари (баъзан катталар ҳам!) мизнинг кийим-кечакларидаги ёзув ва белгиларни кўриб, на кулишни биласиз, на...

Оёғидаги спорт пойабзалидан тортиб, бошидаги соябонли шапкагача турли ёзувлар билан "безатилган"ларни кўравериб, деярли кўзимиз ҳам ўрганиб қолди. Болани бола-да десагн, катталар орасида ҳам турли ёзувли кийимларга ружу қўйганлар бор. Футбол ёки спортнинг бошқа турларига гоёта мухлислик қилувчиларни-ку тушунса бўлар... Рақамлар ва машҳур спортчиларнинг сурати туширилган уст-бошларни гурур билан кийиб юришади (Минг афсуски, улар орасида бизнинг спортчиларимиз сурати йўқ).

Бемаъни ёзувли кийимларни эгнига илиб олганларга нима дейсиз? Аксарияти хориждан келтирилган бундай буюмлар дуч келган жойларда сотилмоқда. Улардаги сўзларни инглизчадан таржима қилсангиз, унинг замиридаги ахлоқсизлик, ёвузликка чорловни кўриб, юрагингиз сирқираб кетади. Ундаги суратлар эса ёшлар онги ва феълига салбий таъсир ўтказишига шубҳа йўқ. Масалан, "killer"(қотил), "danger" (дахшат) каби

сўзлар ва ҳаёсизлик ёки ёвузликни ифода этувчи манзаралар акс этган футболкаларни кунда-кунора учратишимиз мумкин. Бундан ташқари "I love



you"(Мен сени севаман), "Hot lips" (Қайноқ бўса), "Beautiful girl" (Ажойиб қизча) каби сўзларни қандай изоҳлашни билмайсан киши. Футболкада битилган чорлов ва шиорлар ундан ҳам антика: "Kiss me" (Мени ўп), "Mine beautiful Sweet loving", "Shear puper", "Beatiful girl go" ("Гўзал қиз кетдик"), "Don't touch heart" (Юрагингни синдирма!) каби бемаъни қочирликлар-чи? Бу жумлаларнинг муаллифлари кимлар? Улар кимга қарата мурожаат қилишмоқда? Албатта, бу нарсаларга бе-

## Ойна

фарқ қараб бўлмайди.

Хорижий сериал қахрамонларининг расмлари туширилган кийимлар ҳам кейинги йилларда урфа кирди. Ҳатто баъзи бир ёшлардан эғнидаги кийимда акс этган сериаллар қахрамонларини сўрасангиз, тугилмасдан номма-ном санаб беради.

Ажабки, бугунги кунда беҳаё истакларни ошкор этувчи лавҳалар ва инглизча ёзувлар билан безатилган либосларда юрган қизларни ҳам учратаяпмиз. Устига устак шимлари ва юбкаларидаги ямоқсиз йиртиқларнинг беўхшовлигини айтмайсиз... Та-саввур ҳам қилиш қийин, ўзбек қизининг кийимлари шунақа йиртиқ бўладими?! Бу, кўр-кўрона гарбга тақлиддан бошқа нарса эмас-ку! Ана шунинг ўзи ҳам "оммавий маданият"нинг яна бир зарарли белгиси, таъсири-да.

Айтганча, ҳозир ким қайси белги ёки ёзувни танласа, кийимига босиб, ёзиб берадиган, буюртма асосида ишлайдиган фирмалар мавжуд. Улар ҳам белги ва ёзувларни ёзишда мазмунга жиддий эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

Табииyki, нуроний отахон ва онахонларимиз юқоридаги каби ёзувларни кўриб: "Кийимингга нима деб ёзилган болам?..." деб сўраши тайин. Бу саволга қандай жавоб берамиз?

Хориждан келтирилган кийимларни қимматбаҳо нархларда сотиб олаётганлар унинг ранги, қулайлиги билан бирга ундаги расмлар ва ёзувларга бироз эътибор беришса яхши бўларди. Зеро кўпчилигимиз бугун инглиз тилини яхши биламиз. Кўра-била туриб, ўзлимизни унутмайлик!

Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА.




СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

## ЭЛМУРОД БРОНЗА МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Пойтахтимизда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати аяқланди.

Бутунжаҳон кураш иттифоқи (UWW), Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва мамлакатимиз спорт курашлари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил



этилган нуфузли мусобақада 100 дан ортиқ мамлакатдан 800 нафардан зиёд спортчи 24 вазн тоифасида голиблик учун куч синашди.

Мусобақанинг сўнгги кунини юнон-рум кураши бўйича вазни 59 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида иштирок этган юртдошимиз Элмурод Тасмуродов бронза медали учун кечган беллашувда кубалик Исмоил Боррерони маглубиятга учратиб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

## ФУТБОЛ БАЙРАМИ БОШЛАНМОҚДА

Йил давомида дунёнинг исталган чеккасида ушбу ўйин ўзининг ишқибозларини хурсанд қилаверади.

Кеча оқшомдан бошлаб барчанинг нигоҳи Европа китъасига қаратилди. У ерда энг нуфузли мусобақа – Европа Чемпионлар лигаси ўйинларига старт берилди.

Бу мусобақада кучсизлар бўлмайди. Исталган жамоа кучли рақибдан очко тортиб олишга қодир.

Бугун тўртта гуруҳда ўйинлар бўлиб ўтади. Шубҳасиз, улар орасида энг қизиқ ўйин Мюнхенда кеча ажаб эмас. Унда маҳаллий «Бавария» жамоаси Англия грандларидан бири «Манчестер Сити» клубини қабул қилади.

Колган учрашувлар куйидагича:  
Рома – ЦСКА  
Барселона – АПОЭЛ  
Аякс – ПСЖ  
Челси – Шальке-04  
Марибор – Спортинг  
Порту – БАТЭ  
Атлетик Бильбао – Шахтёр.  
Барча учрашувлар Тошкент вақти билан 23:45 да бошланади.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

## КАМАЙТИРИЛИШИ МУМКИН

Менинг биринчи турмушимдан уч фарзандим бор. Уларга алимент тўлайман. Ҳозирда иккинчи аёлим билан яшайман, у билан ўртаимизда вояга етмаган икки фарзандимиз бор. Фақат бир ўзим ишлагандигим сабабли алимент тўлашга қийналяпман. Алимент миқдорини камайтириш имкони борми?

Е.Акимниязов,  
Мўйноқ тумани.

Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб қолаётган бўлса, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

## ТАЪМИНОТ БЕРИШИ ШАРТ

Менинг кўшим вояга етгани билан ўз таъминоти учун меҳнат қила олмайди, ишга лаёқатсиз. Ота-онаси қичкиналигида ажрашиб кетишган. Ҳозирда бир ўзи истикомат қилади. Ёрдамга муҳтожлиги сабабли ота-онасидан алимент олса бўладими?

Р.Бекмуратов,  
Қанликўл тумани.

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартдир. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади.

Саволларга Кўнғирот туман 1-сон ФХДЭ бўлими мудири Айимжан БАБАЖАНОВА жавоб берди.

## ЗАХИРАДА САҚЛАНАДИ

Янги ташкил этилаётган ва амалда фаолият юритаётган қорхоналарни умумий ишчилар сонининг маълум қисми ногиронлардан иборат бўлиши ҳақида эшитдим, шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Ф.Норметов

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, ходимларнинг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган қорхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорда иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди.

Саволга Самарқанд шаҳар 5-сон ДНИ нотариуси Алишер ЭШИМОВ жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бosh муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором  
МАТҚАРИМОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г  
– 936. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади –  
6191. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5